

Шеробод туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига раҳбар тайинланди



Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг тегишли буйруғига асосан Пирматов Алибек Алламуротович Шеробод туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Шунингдек, йиғилиш давомида туманда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган зарур чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.